

2015

200-280

X-XII



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (13.013)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон – қаерда ишлагани, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўлаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамisha қарздорлик ҳисси билан яшайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаққулар айтсак, арзийди.

Муҳтарам ўқитувчи ва муаллимлар!

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё миқёсида "Ўзбек модели" деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга маънавий бағишлаб, яқин ва узоқ кўшнилариимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай барқарор суръатлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, ғов ва тўсиқларни энгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақдालаридан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, гуруҳ ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман.

Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар каторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало аини шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқши мўқаррар эди.

Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, шу соҳада амалга оширган бошқа кенг қўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги "портлаш эффекти"ни берганига бугун аққол гувоҳ бўлмоқдамиз, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада сизларга бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, уларни янада чуқурлаштиришда, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик қўлланмаларни яратишда, энг муҳими, болаларимизга замонавий таълим ва тарбия бериб, уларнинг қалбига, юрагига етиб боришда сиз, ҳурматли устоз-мураббийларнинг хизматларингиз нақадар бекиб бўлганини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Келажагимизни ҳал қиладиган ана шундай оламшумул ишга қўшган буюк ҳиссангиз учун ўзимнинг энг яхши маслаҳатчилирим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизлардан умрбод миннатдорман ва барчангизга чин қалбимдан таъзим қиламан.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз муносиб ўрнини топтоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва рақобатдошлигини халқаро майдонларда яққол намойён этмоқда.

Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққилларини, хорижий тилларни, замон талаб қиладиган касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, она Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, ҳимоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, ота-оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми?

Қадрили юртдошлар!

Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, Интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, жадид бозориди рақобат қўламини ва кескинлиги тобора шафқатсиз тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида ғоят муҳим ва ўткир талабларни қўймоқда. Бугун ҳаммамизга аён, ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамоҳанг бўлиб яшамасак, бутун борлигимизни шу йўлда сафарбар этмасак, ҳеч шубҳасиз, биз умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетишимиз мўқаррар.

Ҳозирги кунда замоннинг ўзи биздан эришган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада юксак марралар сари қатъият билан боришни, шу йўлда ўз билим ва тажрибамизни, касб малакамиз ва маҳоратимизни муттасил бойитиб, тақомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу маънода, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мунтазам равишда замон талаблари даражасига кўтариб бориш, педагогика университети ва институтларидаги ўқув жараёнларини танқидий баҳолаб, уларни юксак мезонлар асосида ташкил этиш, соҳага илғор таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, бир сўз билан айтганда, педагог кадрларнинг янги авлодини шакллантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Нега деганда, ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгилликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етук инсонларни камол топтиришга қодир бўлади.

Шу билан бирга, биз учун янги тизим бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фаолиятини ташкилий-амалий, ўқув-методик жиҳатдан тақомиллаштириш, шу мақсадда мавжуд ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқиш, айнан мана шундай коллежларда таълим олаётган болаларимиз юртимизда барпо этилаётган, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилиб, жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки барчамиз масъул эканлигимиз унутмаслигимиз зарур.

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўйган эканмиз, ўз-ўзидан равшанки, уларни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, уларнинг илмий ва педагогик салоҳиятига боғлиқ.

Бу борада олий ўқув юртлари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган Фармон бу ишларни янги сифат босқичига кўтаришга замин бўлади, деб ишонаман.

Айни вақтда жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, хорижий университетларнинг мутахассислари иштирокида турли анжуман ва конференциялар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш домлаларимизнинг билим ва дунёқарабини кенгайтиришга, уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қадрили устозлар!

Барчамизга аёнки, мафкура соҳасида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Агар озгина бўшлиққа йўл қўйсан, уни албатта бизга ёт ва бегона бўлган кучлар эгаллаб олади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабих тузоғига илинтириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига, болаларимизнинг келажагига қарши қартилган таҳдидлар – бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гиёҳвандлик ёки "оммавий маданият" кўринишлари бўладими – бундай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизга айланмоқда. Бундай ўткир зарурат таълим-тарбия муассасаларининг ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар жамоатчилиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада қучайтиришни талаб этмоқда ва бу йўлда сизлар бундан буён ҳам ўз куч-ғайратингизни аямасиз, деб ишонаман.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган вояеа-ҳодисалардан тўри хулоса чиқара оладиган, "Бетакорорисман, яғнасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" деб, ўз эри, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, Ўзбекистон фўқроси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Азизларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу ҳал қилувчи вазифаларни чуқур англаган, уларни амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиладиган, чинакам фидойи муаллимлар, ўқитувчи ва домлалар сафи тобора кенгайиб бораётгани эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шулар ҳақида гапирганда, бир фикрни мамнуният билан таъкидлашни истардим: мустақиллик йилларида самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз орасида ўқитувчи ва мураббийлар сони кўпчиликти ташкил этиши, ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизнинг сиз, азизларга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг амалий ифодасидир.

Сизларнинг масъулиятли хизматингизни муносиб қадрлаш, фаолиятингизни янги босқичларга кўтариш учун зарур шароитларни яратиш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлади, деб сиз, азизларни ишонтириб айтишга бугун тўлиқ асосларимиз бор.

Барчангизни қутлуг айём – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, сизларга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барақа, бахту саодат, эзгу ишларингизда янги-дан-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барақа толинг, меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 29-30 сентябрь кунлари Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи кuni Фарғона туманидаги "Мустақиллик шўқронаси" фермер ҳўжалиги далаларида бўлиб, вилоят фермерлари ва фаоллари билан суҳбатлашди.

Дехқон мўл ҳосил етиштириш учун йил бўйи тайёр-гарлик кўради, она ерга меҳрини бериб меҳнат қиладди. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги туфайли етиштирилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг улкан хирмонини бунёд этишда, иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деди Президентимиз.

Амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида халқимизнинг, хусусан, фарзандларимизнинг бахту иқболи, уларнинг ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етишини таъминлашдек олижаноб мақсад мўжассам. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиши шарт, деган эзгу тамойилнинг самараларини бугун ҳаётиимизнинг барча жабҳаларида кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан дедилик бормоқда. Шаҳару қишлоқларимиз обод, хонадонларимиз файзу барақали, халқимиз дастурхони тўкин экани юртимиздаги тинчлик ва осойишталик самарасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ўтказилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингига Ўзбекистон жаҳонда 44-ўринни, МДХ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гуруҳ ва қувонч бағишлайди. Бу "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган эзгу ғоянинг амалдаги ёрқин ифодасидир, деди Юртбошимиз.

Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ерга, меҳнатга муносабат ўзгариб, давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга кўрсатилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Буни Фарғона вилояти фермерлари етиштирган мўл ҳосил мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятдаги 3590 фермер ҳўжалиги 100 минг гектардан зиёд майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

Абдумажид Яҳёев раҳбарлик қиладиган "Мустақиллик шўқронаси" фермер ҳўжалиги аъзолари 109 гектар майдонда пахта ва галла етиштираётди. Фермер ҳўжалиги кўп тармоқли бўлиб, пахтачилик, галлачилик, қорвачилик, паррандачилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 45 гектар майдонда галла етиштирилиб, гектаридан 62 центнердан ҳосил олинди. 64 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Фермерлик ҳаракатини изчил ривожлантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш натижасида вилоятда пахта, галла, пилла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш шартнома режаси ортиғи билан бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, ҳомашё етиштириш билан кифояланмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини қўпайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энаҳон Сиддиқова, Тошлоқ туманидаги "Заркент саховати" фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Зебиҳон Рустамова, Фарғона вилояти Фермерлар кенгаши раиси Абдуғаффор Раҳимов, Ёзёвон туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Ўқтамхон Солиева, Фурқат туманидаги "Уста Юсуфжон наққош" оилавий корхонаси уста наққоши Маҳамматали Юнусов ва бошқалар дунёда тараққиётнинг "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган дастур барча соҳаларда улкан самаралар бераётганини, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалиб бораётганини кайд этди. Бу ютуқларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаси эканини фохр билан таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наманган ва Фарғона вилоятларида сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, билдирилган фикрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қиладиганини, халқимизнинг эртанги кунга ишонч мустаҳкам эканини яна бир бор намойён этди.

Матназар ЭЛМУРОВОВ,
Маъсуджон СУЛаймонов,
ЎЗА махсус мухбирлари

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

УЛУҒ КАСБ ЭГАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

"Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

"Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила". Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ушбу сатрларида инсон камолоти йўлида ранж чекувчи устозлар олдида ҳар бириимиз доимо қарздор эканлигимиз таъкидланган. Ҳа, ўз билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини маърифат йўлига бахшида этган инсонлар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиб.

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фидойи устозлар давлатимизнинг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида. Ҳар йили 1 ок-

тябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинаётгани устоз-мураббийларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва жонқур мураббийлар 30 сентябрь кuni мамлакатимизнинг бош майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.



"Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кuni муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, фидойи мураббийлар, вазирлик ва идоралар, жамоат

ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши мамлакатимизни тараққий эттириш, турмушимизни фаровонлаштириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлодни вожа етказиш учун мустақкам замин яратди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси реконструкция қилинди, тубдан таъмирланди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, "Баркамол авлод" болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, музика ва санъат мактаблари, лицейу коллежлар, олий таълим даргоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг "Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир" деган фикри халқимиз орасида эзгу давлатга айланди. Шарафли касб эгаларининг меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни янада кучайтирди. Ўтган йиллар мобайнида таълим соҳасидаги юзлаб иқтисод-мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувонарлидир.

Меҳнатимиз истиқлол йилларида кадр топди, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Раҳматулла Каримов. — Президентимизнинг маърифат аҳлига кўрсатётган юксак эътибори барча педагогларни мустақиллигини кўз қорачиқдек асраб-авайлашга даъват этмоқда, фарзандларимизни камил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларни янада кучайтиришда қанот бўлмоқда.

Бугунги интеграциялашув жараёни кучайган, ахборотлашган замон ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор устоз даражасига кўтаришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг

нишишимизга имкон яратаётгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ўқитувчилар кўнглини тоғдек кўтарди, улар-

таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида қўшимчалар бериб берилмоқда. Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида барча умумтаълим мактабларида "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу маънавий-маърифий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида барпо этилган 1500 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежида ёшларга ўзи танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизими бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли стандартга ўтказилди.

Маросимда Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Мархабо Қурбонова, Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзо ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар келажагимиз эгаларини Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга бутун борлигини бахш этаётган касб соҳибларига кўрсатётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исmoilов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ
Ўлмас Шамсидинов,
Темур Мамадаминов
олган суратлар

УЛУҒ КАСБ ЭГАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ



яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бу йил ҳам ушбу танловда ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсини янги услубда, қизиқарли ва ҳаётий мисоллар, турли кўргазмалар воситалари билан ўтаётган илғор педагоглар сараланди. Тантанали йиғилишда ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Бугунги ўқувчи янги маълумот, янги фикр, мавзуга янгича ёндашув керак, — дейди танлов ғолиби, Олмалиқ шаҳридаги 20-умумтаълим мактаб-интернати фани ўқитувчиси Марғуба Мирзиёлова. — Ушбу кўрик-танлов ўзаро фикр ва тажриба алмашишимизга, ўқувчиларни фаолликка ундовчи янги услуб ва шакллар билан та-

ни янада кўпроқ излашга, ўқув-тарбия жараёнини янада бойитишга ундади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларини ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлини ривожлантириш учун қўлай шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синодан ўтказилиб, уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧ — ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

Япония Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли стратегик ҳамкорларидан.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар 2002 йилда имзоланган **Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил тараққий этмоқда. Кунчиқар мамлакат юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётир.**

Бугунги кунда Ўзбекистон-Япония муносабатлари тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда барча соҳаларда жадид ривожланмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда маданий-гуманитар алоқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, халқлар ўртасидаги дўстлик ўзаро яқинроқ танишишга, бир-бири ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлики мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва кинеси кунлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Япония ижодкорлари юртимиздаги халқаро кўргазмалар, санъат анжуманлари, музика фестивалларида фаол қатнашмоқда. Жумладан, япониялик санъаткорлар Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро музика фестивалининг доимий иштирокчиларидир. Мазкур нуфузли санъат форумида 2013 йили иштирок этган Япониянинг "Чикуюша" гуруҳи совринли ўринни қўлга киритган.

Мамлакатимиз пойтахтида 2001 йили очилган Япон боғи ўзбек ва япон халқлари учун бирдек сеvimли ва қадрили масканга айланган. Япон халқининг миллий қадриятлари ва маданиятини ўзида мужассам этган ушбу боғ Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда бунёд этилган.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларни, халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашда "Ўзбекистон-Япония" дўстлик жамияти қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси икки мамлакат аҳолисини Ўзбекистон ва Япония тарихи, маданияти ва санъати, халқларимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Дўстлик жамияти мамлакатларимизнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада ушбу муассаса Тошкентда фаолият юритаётган Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётир. Биргаликда турфа кўргазмалар, маданий тадбирлар ва болалар учун мунтазам маҳорат дарслари ўтказиб келинмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган японлар ўзбек заминидан абадий қўним топган. Жамият уларнинг хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорликлар атрофини ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаётир.

"Ўзбекистон-Япония" дўстлик жамиятининг яна бир хайрли ишига мисол қилиб 2013 йилда "Японларга паноҳ бўлган юрт" китобининг ўзбек тилида нашр этилганини келтириш мумкин.

Токиодаги "Япония-Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси ҳам икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур уюшма Япония жамоатчилигини мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти билан таништириш борасида қўллаб-қўллаб хайрли ишларни амалга ошираётир. Уюшма ташаббуси билан Японияда ташкил этилган турли маданий-маърифий тадбирлар, фотокурғазмалар, илмий-амалий анжуманлар, семинар ва симпозиумлар японияликларнинг Ўзбекистонга қизиқишини янада оширишда муҳим аҳамият касб эттир.

Ўзбекистонда япон тили, маданияти ва санъатини, Японияда ўзбек тили, халқимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга қизиқиш катта. Токиода 2004 йили буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилгани Японияда Ўзбекистон халқига, ўзбек адабиёти ва санъатига чекиз ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Япония олимлари Алишер Навоий асарлари бугунги кунда ёшларни бунёдкорлик, тинчликпарварлик, бошқа халқлар билан дўстлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Дўстона муносабатларимизнинг тобора мустаҳкамлашишда кўп асрлик тарихий анъаналар, айниқса, Буюк ипак йўлининг аҳамияти бекиёс. Япон олим ва мусаввири Икуо Хираяма ҳам умрини Буюк ипак йўлининг қадимий тарихи ва анъаналарини тадқиқ этишга бағишлаган эди. Юртимизга бир неча марта саёҳат қилган бу ижодкор ўз суратларида Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларимиздаги бетакор ёдгорликлар, тўкин бозорларимиз, серфайз шаҳар қишлоқларимиз, самимий ва меҳнатсевар халқимиз образини ёрқин бўёқларда акс эттирган. Пойтахтимизда ушбу олим хотирасига ҳурмат белгиси сифатида Ўзбекистон Бадий академияси ҳузурида Икуо Хираяма халқаро маданий карвонсаройи очилган.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари Япониянинг қатор таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Жорий йилдан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида япон тили биринчи хорижий тил сифатида ўқитила бошлангани мамлакатларимиз ўртасида тобора изчил тараққий этаётган серқирра маданий-гуманитар алоқаларга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатларимиз археология соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, япониялик профессор Кюдзо Като Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг номаълум саҳифаларини очишга катта ҳисса қўшган улкан тадқиқотчи ҳисобланади. У мамлакатимиз олимлари билан биргаликда Буюк ипак йўлини, қадим Бактрия давлатини ўрганиш борасида йирик тадқиқотларни амалга оширган. Кюдзо Като Сурхондарё вилоятининг қўна Далварзинтепа ва Қоратепа масканларида археологик тадқиқотлар олиб бормоқда, Мирзо Улуғбек, Бобур ва бошқа улуг мутафаккирлар асарларини япон тилига таржима қилган.

Ўзбекистоннинг тарихи жуда бой ва бетакордир, — дейди К.Като. — Уни атрофича ўрганиш мобайнида аниқланган Буюк ипак йўли тарихига ҳаддод ноёб маълумотлар тарих, археология, санъатшунослик фанларининг янада бойиши ва кенгайишида алоҳида аҳамият касб этади. Бу Ўзбекистон жаҳон илм-фани, маданияти ривожини муҳим ўрин тутганидан далolat беради. Мен кўп йиллар мобайнида юртингизда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий излашларим жараёнида бунга амин бўлдим. Японияда тутилган бўлсам-да, Ўзбекистоннинг ўз Ватаним, деб биламан. Шу муқаддас юртининг фахрий фуқароси эканимдан гурурланаман. Президент Ислам Каримов менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб "Дўстлик" ордени билан мукофотлади. Бу менга чекиз ифтихор бағишлайди.

Ҳа, Ўзбекистон ва Япония муносабатларидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари барча соҳалардаги ҳамкорлиқни, жумладан, халқларимиз ўртасидаги дўстлиқни, маданий-гуманитар алоқаларни жадид ривожлантириш учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода "Ватаним тараққий-ётига менинг ҳиссам" шиори остида ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир доирасида банк, солиқ, божхона соҳаси мутахассислари ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кредит олиш, солиқ имтиёзлари, улардан фойдаланиш қоидалари, божхона хизматлари хусусида атрофича маълумот берди.

● Қорақалпоғистон Республикасида Жанубий Кореянинг "Friends" нодавлат ташкилоти томонидан хайрия акцияси ўтказилмоқда. Акция давомида тажрибали шифокорлар аҳоли, айниқса, болаларни тиббий кўрикдан ўтказди, жарроҳлик операцияларини амалга оширади.

● Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бугунги кунда Самарқанд вилоятида 14 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 1 минг 573 тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Иқтисодийнинг муҳим бўғинига айланиб бораётган оилавий корхоналар эса 500 дан ошди, асосан, саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

● Нукусда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Қамолот ғунчалари" мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Google корпорацияси LG томонидан яратилган Nexus 5X ва Huawei компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Nexus 6P смартфонларини тақдим этди. 6P уч хил рангда чиқарилади: оқ, алюминий ва графит. Экранининг ҳажми 5,7 дюймни ташкил этади. Смартфон 12,3 мегапикселли асосий камера ва 8 мегапикселли олд камера билан жиҳозланган. Курилма уч гигабайтлик оператив хотира ва 2 ГГц частотали Octa-core Qualcomm процессорига эга.

● Германия прокуратураси Volkswagenнинг собиқ раҳбари Мартин Винтеркорнга нисбатан тергов ҳаракатларини бошлади. Хабар беришларича, тергов автомобилларни сотиш вақтида эмиссион маълумотларни манипуляция қилиш орқали харидорларни алдашга жавобгар бўлган шахсларни аниқлашга уринади. Эслатиб ўтамиз, АҚШнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича агентлиги (EPA) Volkswagenни кўпол алдов ҳамда инсонлар саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга зарар етказишда айблаб чиққанди. Шу муносабат билан АҚШнинг бир қатор штатлари прокурорлари биргаликда тергов ишларини бошлаган.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Айни кунларда шахримизнинг барча масканларида Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni муносабати билан байрам тадбирлари, учрашувлар ва илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида "Педагогик кадрлар тайёрлаш: тарихийлик, замонавийлик, истиқбол" мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам байрам муносабати ва университет ташкил этилганлигининг 80 йиллигига бағишланди.

— Ушбу анжумани ўтказишдан мақсад мамлакатимизда асрлар давомида шаклланиб келган таълим ва тарбия аъёнлари хусусида фикр юритиш, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги ҳолатларини таъриблиқ қилиш, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш истиқболларини таҳлил этишдан иборатдир, — дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети илмий ишлар бўйича проректори Жоиз Тоҳиров. — Ўқитувчилик ва мураббийлик — бу кўп қиррали касб. Янги авлод кадрларини тайёрлаш иши жамиятнинг бугунги кунини, келажакдаги талаб ва эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнларига уйғун тарзда олиб боришмоқда. Бу борада бизнинг университетимиз томонидан ҳам муҳим аҳамиятга эга самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама тарбия қилиб тарбиялаш, таълимга инновацион технологияларни жорий этиш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Анжуманда Россия, Италия, Германия, Босния-Герцеговина, Корея Республикаси ва Қозғоғистон каби ўнга яқин хорижий мамлакатлар ҳамда республика-

да илмий педагогик фаолият олиб бораётган 300 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар иштирок этиб, педагогика соҳасида жаҳонда тўплаган илғор тажрибалар ҳақида фикр юритдилар. "Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг асосий омилли", "Таълим тизимига инновацион технологияларни жорий этиш муаммолари", "Ўзбекистонда баркамол шахсни шакллантириш масалалари" мавзуларида маърузалар қилинди.

Шунингдек, таълим тизимига инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, мамлакатимизда юқори малакали илмий педагог кадрлар тайёрлаш истиқболлари, педагогларни қайта тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик ютуқлари каби масалалар қизғин илмий мунозараларга сабаб бўлди.

Анжуман иштирокчиларининг маърузалари тўплам сифатида чоп этилиб, кенг жамоатчилик вакилларига тақдим этилди. Бундан ташқари университет юбилейига бағишлаб "Тошкент Давлат педагогика университети илмий мактаблари" номи рисола нашр этилди. Унда университетда илмий мактаб яратган, фаннинг муайян соҳаси бўйича мавжуд илмий йўналишларни ривожлантирган олимлар, уларнинг ишлари ҳамда шоғирдлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Анжуман жараёнида юртимиз олимларининг илмий ишлари натижалари бўйича кўргазмалар ташкил этилиб, янги нашр этилган китоблар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Кун давомида тадбир иштирокчилари учун бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.



ИЛМ-МАЪРИФАТНИНГ ПОРЛОҚ ЧИРОФИ

Темурийлар тарихи давлат музейида "Устозлар юртнинг энг азизи, энг улуг ва мўътабар кишиларидаги" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, маданият ва санъат намоёндалари ҳамда пойтахтимиз умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган илғор педагог-ўқитувчилар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ўқитувчи касбини эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг самарали фаолият юритиши, ишга илмий-иходий ёндашиш, изланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб беришмоқда. Халқимиз азалдан илм-маърифат тарғиботчиси бўлган ўқитувчи эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади. Бу фазилат мустақилликка эришганимиздан кейин янада юксалиб, янги-янги маъно-мазмун касб этди.

— Жорий йилда мактабимизнинг ўн нафар ўқувчиси пойтахтимиздаги олий ўқув юртига давлат гранти асосида ўқишга киришга муваффақ бўлгани кўнгилмизни тоғдек қўтарди, — дейди ЎЗА муҳбирига

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби математика фани ўқитувчиси М.Турдиева. — Уларнинг муваффақияти бизнинг ютуғимиздир. Бугун ўқитувчи касбига бўлган эътибор ва рағбат ҳар қанчадан юксак. 2004 йили "Шухрат" медалига, 2014 йили "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлдим. Бундай юксак эътибор мени янада масъулият билан ишлашга, самарали меҳнат қилишга, эл қорига ярайдиган билимни, фидойи кадрлар тайёрлашга ундайди. Билдирилган ишончга муносиб бўлиш, имкониятларнинг қадрига эгиш бурчимиздир.

Тадбирда ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, келгусида ўз қизиқишларига мос соҳани танлаб, эл-юрт қорига ярайдиган фарзанд бўлиб воғая етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топишда устозларнинг билими, тажрибаси, маҳорати ва жонқуярлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Азиза ҚИЁСОВА

1997 йилдан буён 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Педагоглар ёш авлодни ҳеч қандам кам бўлмаган, замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилишмоқда. Бундай масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда жонқуяр устозлар, тамхўр мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омилли" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазир У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик ва таълим мазмунини янги сифат босқичига кўтариш йўлида олиб борилаётган ишлар, устоз-мураббийларни ҳар томонлама рағбатлантириш, улар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш борасида қилинаётган иш тажрибалари хусусида тўхталиб ўтишди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида 383 625 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Таълим сама-

радорлигини таъминлашда педагогнинг касб маҳорати, унинг билим ва кўникмаси муҳим омиллардан саналади. Шу боис Халқ таълими вазирлиги томонидан педагоглар малакасини оширишга катта аҳамият қаратилмоқда. Амалдаги таълим сиёсати ўқитувчи ва мураббийлар касбини улуғлаш, уларнинг обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади.

Ўқитувчилар орасида энг илғор тажрибаларни аниқлаш ва уларни оммалаштириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши директори", "Йилнинг энг яхши психологи", "Йилнинг энг яхши услубчиси", "Йилнинг энг фаол маънавий тарғиботчиси", "Йилнинг энг фаол маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари" ва бошқа кўрик-танловлар орқали илғор, ташаббускор, ишқорик педагоглар тажрибасини оммалаштириш орқали таълим мазмунини янада такомиллаштириш мақсади кўзланган.

Мамлакатимизда фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда миллий қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда. Жумладан, маъмурий тартиб-таомилларга оид қонунчилик замон талабларига мувофиқлаштирилаётгани инсон ҳуқуқи ва эркинликларини изчил ҳимоялашга хизмат қилади.

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ- ТАОМИЛЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбатига шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий асослар яратилгани таъкидланди. Маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мос равишда йўлга қўйилган.

Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришдан қўзланган мақсад маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибига солувчи нормаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштиришдир. Бу халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келади.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳасида маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини стандартлаштириш ва енгиллаштириш орқали давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан бўлган муносабатлари қонунийлигини таъминлаш ва шаффофлигини оширишга эътибор қаратилган. Замонавий технологиялар асосида давлат хизматларини янада сифатли қўрсатиш учун шароитлар яратилиш маъмурий тўсиқ ва чековларни бартараф этишга кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган тадбирда маъмурий тартиб-таомилларга оид нормаларни такомиллаштиришга оид тақлифлар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР АНИҚЛАНДИ

Айни кунларда пойтахтимиз туманларида "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Бугунги кунда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва унинг туман бўлиmlари томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш жараёнида жамоатчилик иштирокини кўчатириш борасида кенг миқёсдаги ишлар олиб боришмоқда.

Мазкур танлов ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ҳуқуқий меҳнат фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини асраш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги кенг қамровли ишларни олиб боришда янада билимли, ташаббускор, илғор, изланувчан, жонқуяр бўлишларига замин яратди.

Танлов "Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали мактаб хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали касб-ҳунар коллежи ва академик лицей хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали олий ўқув юрти хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали тиббиёт муассасаси хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали мактабгача таълим муассасаси хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали корхона хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" номини қўйишга бағишланди.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабидан "Энг намунали мактаб хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" танловининг туман босқичи юқори савияда бўлиб ўтди.

Танловда тумандаги мавжуд 35 та мактабнинг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раислари

соҳага доир амалдаги қонун ҳужжатларини қай даражада билишлари, иш тажрибалари, эришган ютуқлари, ишни ташкил қилишдаги билимлари, уйдабуронликларини намойиш этдилар.

— Бугун юртимиз хотин-қизлари соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялаб, воғая етказиш билан бирга давлат ва жамият қурилишида иштирок этиб, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Ўлтоева. — Ушбу танловда ҳам хотин-қизлар таълим соҳасида олиб бораётган ишларида жамиятдаги ўринлари қай даражада муҳим эканлигини ўз касбларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиб бердилар.

Кўрик-танловда 34-умумтаълим мактабининг хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Намуна Мажидова иш давомида эришган ютуқлари, олиб бorgan намунали фаолияти учун биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва "Энг намунали мактаб хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.

Иккинчи ўринга 254-умумтаълим мактаби хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Н.Холиқова, учинчи ўринга эса 186-умумтаълим мактабидан Х.Нурмухамедова сазовор бўлди.

Ғолиблар туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра САТТОР қизи

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ПОЙДЕВОРИ

Юнусобод туманидаги "Осиё" кинотеатрида аҳоли ҳамда 2014-2015 ўқув йили битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида "Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори!" шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими Абдор Бердиев, туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Барҳаёт Мелиев, Юнусобод тумани ИТЙС ва ХТХ касаба уюшма кенгаши раиси Камолитдин Худайбердиев ва бошқалар мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи куч эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида ўрта махсус, касб-ҳунар муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, ташкилот ва корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринлар билан ёшлар таништирилди.

— Ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш ва танлаган касблари бўйича мутахассис бўлиб етишишлари учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди "Камолот" ЕИХ туман Кенгаши раиси Иштиёр Зиёдиллоев. — Уларнинг берилаётган имкониятлардан фойдаланиб астойдил ҳаракат қилиб, ҳаётда ўз ўринларини топишлари мумкинлиги тадбир давомида яна бир бора таъкидлаб ўтилди. Мутасадди вакиллар томонидан қомил инсон — фуқаролик жамиятининг нуфузи, маънавий барқарорлиқни сақлаш — келажакни сақлаш, 2014 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ичроси, банк томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, "Камолот" ЕИХ Кенгаши томонидан ёшларга берилаётган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар берилди.

Хозирги кунда ёшларга "Камолот" ЕИХ Кенгаши ва тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишмоқда, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг шарт-шароитлар мавжуд. Мулоқот сўнгидан иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан жавоблар олишди.

Тадбир якунида одам савдоси ҳамда миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган турли хил зарарли таъсирларга қарши курашишга бағишланган "Укубат" фильми намойиш этилди.

ОБОДЛИК САРИ КАДАМ

Тарихи минг йилларга бориб тақалувчи қадимий қадриятларимиздан бири бўлган ҳашар инсонларни янада бир-бирига яқинлаштиради, меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ходимлари ва "Камолот" фаолларидан иборат кўнгилли ёшлар иштирокида шаҳарча ҳудудида жойлашган "Чимир ота" қабристонига ҳашар ташкил этилди.

Шу кун "Камолот"нинг кўнгилли ёшларидан ташкил топган ишчи гуруҳ қабристоннинг ён-атрофини мавжуд бегона ўтлар, қабристон ичигада йўлак атрофларини қурган хасардан тозалаш, ободонлаштириш каби бир қатор ишларни амалга оширишди.

Ҳашардан қўзланган асосий мақсад ёшларимиз онгидан она Ватанга муҳаббат, юрт ободлиги, ўтган аждодларимиз руҳини улуғлаш каби муқаддас қадриятларимизни янада кучайтиришдан иборатдир.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларига алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, уларнинг жамиятта фаол интеграциялашуви учун зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам бу борадаги ислохотларда фаол иштирок этмоқда. Фонд томонидан бир қатор давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим, соғлиқни сақлаш, гуманитар ёрдам соҳаларида турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг қадимий шаҳарларимизга уюштирилаётган савҳати шундай лойиҳалардан. Саёҳат давомида болалар тарихий обидалар билан бирга, истиқлол йилларида барпо этилган муҳташам мишоотлар билан танишиб, катта таассурот олмақда.

Шундай экскурсиялардан бири қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига уюштирилди. Пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларнинг эллик нафар тарбияланувчиси ноёб меъморий обидалар, Самарқанд тарихи музейи ва бошқа иншоотлар билан танишди.

Саёҳат давомида "Кескалар" эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ёшларни тарихий-маданий меросимизга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида нуруний отахон ва онахонлар иштирокида "Кескалар" — ёш авлод эъзозиди" мавзусида учрашув ўтказилди.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган бундай саёҳатлар уларнинг ҳеч қандам кам бўлмай воғая етишишга хизмат қилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига 106-махсус мактаб-интернат тарбиячиси Дурдона Ғиёсова. — Тадбир давомида ўғил-қизлар буюк мутафаккирлар етишиб чиққан шаҳар тўғрисида қўллаб қизқарли маълумотларга эга бўлди.

Н.НАСРИЕВ

Спорт янгиликлари

НИГИНАНИНГ ИШОНЧЛИ
ҒАЛАБАСИ

Пойтахтимизда Халқаро хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) таснифига кирувчи "Тошкент опен - 2015" халқаро турнирини ҳамюртимиз Нигина Абдураимова ғалаба билан бошлади.

Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида давом этаётган нуфузли турнирнинг яқкаликлар баҳсида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Н.Абдураимова биринчи даврада хорватиялик Петра Мартичга қарши кортга чиқиб, 6:4, 6:0 ҳисобида зафар кучди.

Турнирнинг иккинчи даврасида Нигина швейцариялик Йоханна Ларссонга қарши кортга чиқди.

— Петра билан илк мартда баҳслашган бўлсам-да, унинг ўйинларини мунтазам кузатиб бораман, — дейди Н.Абдураимова. — У ўзига хос ўйин услубига эга. Бундай маҳоратли теннисчини мағлубиятга учратганимдан хурсандман. Мени кўллаб-қувватлаб турган

мухлисларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Шунингдек, словакиялик Яна Чепалова, хорватиялик Донна Векич, сербиялик Бояна Йовановски, Александра Крунич, Катерина Козлова, қозоғистонлик Ярослава Шведова, россиялик Евгения Родина, Маргарита Гаспарян, чехиялик Катерина Синякова, швейцариялик Йоханна Ларссон, германиялик Аника Бек, Карина Виттеффт, Анна Фридзам биринчи даврада ғалаба қозонди.

Мусобақанинг жуфтлик учрашувларида ҳамюртимиз Влада Екшибарова ҳамда россиялик Ангелина Габуева жуфтлиги Арина Фольева Сабина Шариповани 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ж.ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Жорий йилнинг ёзида Тошкентнинг "Локомотив" клуби Англиянинг биринчи дивизионига иштирок этаётган "Флитвуд Таун" жамоаси вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган эди.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ушбу масалада инглиз клуби вакиллари Тошкентга келишганидан ҳам мухлисларнинг хабари бор.

Дарвоқе, ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ, "Локомотив"нинг икки нафар футболчиси тажриба ошириш мақ-

садида Англияга бориши хусусида ҳам келишиб олинган эди.

Яқинда "Локомотив"нинг икки ўйинчиси — дарвозабон Рустам Нортжоев ҳамда ҳимоячи Сергей Прохоров футбол ватанига йўл олишди. Ҳозирда Рустам Нортжоев ва Сергей Прохоров "Флитвуд Таун" таркибига ўқув-машғулот йиғинларида қатнашмоқдалар.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ СОВРИНДОР
БЎЛИШДИ

Шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, info.COM.uz журнали ҳамда "Alyans Arena" компьютер клуби ҳамкорликларида киберфутбол бўйича Ўзбекистон кубоги — "UCG FIFA 15"нинг финали ташкил этилди.

Илк марта уюштирилган мусобақанинг саралаш турлари Тошкент шаҳри, Самарқанд, Урганч, Фарғона вилоятларида ҳамда Олмалиқда бўлиб ўтди. Унда 300 нафардан зиёд иштирокчи қатнашди. Уч кун давом этган финал босқичида 32 нафар спортчи Ўзбекистон чемпионлиги учун баҳс олиб борди.

Яқинда ғолиблик зангиоталик Уктам Иброҳимовга насиб этган бўлса, ҳамшаҳарларимиз Абдусали Каюмов ва Рустам Каттабеков фахрли 2,3-ўринларни эгаллашди.

Эслатиб ўтамиз, юртимизда киберфутбол бўйича мусобақалар 2003 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинмоқда. Дарвоқе, шунга яраша ижобий натижалар ҳам қайд этиляпти. Масалан, 2013 йили Жанубий Кореяда уюштирилган Осиё ўйинларида тошкентлик Павел Саприкин ғолиб бўлган бўлса, худди шу йили киберфутбол бўйича ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатида ҳамшаҳримиз Абдусали Каюмов спорт симулятори бўйича 5-ўринни эгаллаган.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактабида "Қамолот" гўнчалари" аънавий республика турнирининг туман босқичи бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган мусобақа қизлар ўртасида спортнинг бадий гимнастика турини омалаштириш, ёшларни спорт мусобақаларига кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро маданий-спорт ало-

қаларини йўлга қўйиш, спортнинг гимнастика турини омалаштириш мақсадида ўтказилди.

Унда мактабда таълим оладиган ўқувчи-қизлар ўртасида 1-гурухда 11-12 ёшдаги (предметсиз, аркон), 2-гурухда 13-14-15 ёшдаги (ҳалқа, гимнастика түпи) қизлар беллашдилар. Мусобақалар D, E тоифалари бўйича ўтказилиб, иштирок-

мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди.

Турнир жадвалида "Пахтакор"ни изма-из таъкиб қилиб келаётган "Локомотив" сафарда "Андижон" меҳмони бўлди ҳамда қизиқарли кечган учрашувда ғалаба қозонди. Ўйин 2:1 ҳисобида тошкентликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насаф" — "Навбахор" — 5:1, "Динамо" — "Нефтчи" — 0:1, "Бухоро" — "Машъал" — 3:1, "Олмалик" — "Шўртан" — 3:1, "Қўқон-1912" — "Қизилқум" — 1:0.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

УЧРАШУВЛАР,
НАТИЖАЛАР,
ОЧКОЛАР

Унда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Пахтакор", "Локомотив" ҳамда "Бунёдкор" жамоалари яна зафар кучиб муҳим очколарни қўлга киритишди.

Тошкентда Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоасини қабул қилган "Бунёдкор" биринчи бўлимнинг 34-дақиқасида Зуаги томонидан пенальтидан киритилган тўп

ҳамда иккинчи бўлимнинг 56-дақиқасида Шомуродов томонидан йўлланган гол эвазига 2:0 ҳисобида зафар кучди.

Шунингдек, ўз майдонида "Металлург" билан куч синашган амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Пахтакор"га муросасиз, кескин курашлар остида кечган баҳсда яна омад қилиб бокди. Беллашув 3:2 ҳисобида

чи қизлар 1,5 дақиқадан танланган мусиқа орқали ўз маҳоратларини ҳакамлар ҳайъатига намойиш этишди.

— Мазкур турнир ўқувчи-қизларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтиши, ёшларни бадий гимнастика спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб этишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Спортнинг бадий гимнастика тури бўйича ўтказилган "Қамолот" гўнчалари" турнирининг туман босқичида 65 нафар қизлар иштирок этди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан уларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

ЁШЛАР КУЧ
СИНАШДИ

Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуасида вояга етмаган ўсмир қизлар ва ўғил болалар ўртасида қаратэ бўйича мусобақа ўтказилди.

Турнир "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши томонидан туман маданият ва спорт ишлари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, туман Ички ишлар бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси Тошкент шаҳар филиали, "Ёш куч" қаратэ спорт клуби билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Қизгин кечган мусобақада 250 нафар болалар ва ўсмирлар қатнашди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ:
"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ"

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2015 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг омалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаҳҳих, рассом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Йилнинг энг яхши китоби" VII Республика кўрик-танлови қуйидаги 7 та номинация бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. "Ижтимоий-сиёсий адабиёт";
2. "Ватан тарихи";
3. "Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти";
4. "Болалар ва ўсмирлар адабиёти";
5. "АРТ китоби";
6. "Маънавий-маърифий адабиётлар";
7. "Илмий-фундаментал асарлар, энциклопедик нашрлар".

Танловга қўйилган нашрларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:

- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
- таҳририй-ноширлик даражаси;
- дизайннинг оригинал ечими ва бадий ечимларининг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
- матбаа ижросининг сифати;
- нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамиятлиги.

Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бир неча номдаги китоб махсуслотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2015 йилнинг 1 ноябрга қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2015 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон матбуоти" V Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга махсус дипломлар тантанали равишда топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юборилсин.

Манзил: Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-32
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 244-12-61, 244-31-85.

Саломатлик

ТИББИЙ КЎРИКНИНГ
АҲАМИЯТИ

Бектемир туманидаги Республика радио ва телевидение касб-ҳунар коллежида "Репродуктив саломатлик", "Соғлом турмуш тарзи" мавзуларида ўтказилган тадбирда тиббий кўрикнинг аҳамияти, аҳоли ва ёшлар саломатлиги йўлида олиб борилаётган самарали ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари, Бектемир туман тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокорлари, маҳаллалар фаоллари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Ёшларга соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал шахсни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларни ўқувчиларнинг онгига синдириш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар негизда келажак авлоднинг бахтли ҳаёти мумкин, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари Азизбек Низамов. — Жумладан, ёшлар орасида соғлом ва ахил оила қуриш бўйича тушунириш ишларини олиб бориш, уларни маънавий баркамолликка чорлаш, тиббий кўрикнинг аҳамиятини тушунириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу каби тадбирлар келажак авлодни комилликка чорлаш баробарида ўз соғлиқларига эътибор билан қарашга даъват этади.

Мирзо Улугбек туманидаги 8-оилавий поликлиникада ўтказилган тадбир ҳам репродуктив саломатлик омиллари ва тиббий кўрикнинг ҳаётимиздаги ўрнига бағишланди.

Унда поликлиниканинг хизмат доирасидаги маҳаллаларда истикомат қилувчи аҳоли, асосан кексалар ва ёшлар иштирок этди.

— Саломатлик ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик ҳисобланиб, жамиятнинг ривожланиши учун энг муҳим шарт-шароитлардан биридир, — дейди 8-оилавий поликлиника бош шифокори Севара Хусанова. — Юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзини авайлаб-асраши, узоқ умр кўришни ният қилиши ва шунга интилиши лозим. Шу билан бирга нафсини тийиши, нопок ишлардан воз кечиши, жисмоний ҳолатини аъло даражада сақлашга эришиш лозимлигини ёшларга тушунириш жоиздир.

Дарҳақиқат, саломатлик энг катта бойлиқдир, инсон соғлигини муҳофаза қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар негизда ҳам ёшларни соғлом турмуш қуришга чорлаш, соғлигини муҳофаза қилиш, эрта туғруқ ва турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш ҳамда тиббий кўрикнинг аҳамиятини тарғиб қилиш масалалари мумкин.

Тадбирда гинеколог-шифокор Шоира Акбарова, умумтаълим шифокори Муқаддас Аҳмедовлар тиббий кўрикнинг саломатлик гарови эканлиги, эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш мавзуларида фикр юритдилар.

(Ўз мухбириимиз)